# Ассалом, устоз!

***Хат — кўнгил ойнаси. Агар у табрикнома бўлса, инсон меҳри бутун борлиғи билан товланади. Ушбу саҳифада юртимиздаги таниқли кишилар, устоз сабоғидан улғайиб эл назарига тушган турли соҳа вакилларининг шогирдлик таъзими билан танишинг.***

*Қадрли устозим, ҳурматли Барат ака Фармонов!*

*Аввало, Сизни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этаман.*

*Юртимизда устоз, муаллимга Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан юксак эҳтиром, ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Сизни шундай эъзозга лойиқ инсонлар сафида кўриш менда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Шунинг учун Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодга тарбия ва билим беришда бор куч-ғайратингиз ҳамда тажрибангизни аямасдан меҳнат қилганингиз учун ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдираман ва Сизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, Оллоҳдан Сизга куч-қувват ва узоқ умр сўрайман деб,*

**Неъматулла ФАЙЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

**Ислом КАРИМОВ:**

Табиийки, устоз, муаллим деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам эзгулик бунёдкори бўлмиш Сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларимизни ҳар қанча улуғлаб, шаънингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.




<u>Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридаги 3-ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Абдулла ака Хажиевга!</u>

Азиз муаллим! Сизни мустақиллигимизнинг ёруғ ва муқаддас айёмларидан бири — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Ҳаётимда нимагаки эришган бўлсам, Сиз берган билим, ўгит ва насиҳатлар; меҳр ва ишончингиз туфайли деб биламан. Сиз ҳаётимизда машъала бўлдингиз. Ўзингиз ёниб умрингизни шогирдларингизнинг йўлини ёритишга бағишладингиз. Ҳар биримизнинг иқболимизда эл-юрт ва Ватан истиқболи жамланганлигига ишондингиз. Мен буларни мақсадли ва машаққатли катта ҳаёт йўлларида англаб етдим. Бугунги байрам кунида Сизга энг эзгу тилакларимни йўллайман. Узоқ яшанг, омон бўлинг, шогирдларингиз бахтидан бахтингиз зиёда бўлаверсин!

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**



Ёшлигимда жуда инжиқ бола эдим. Биринчи устозларим — Мария Дасова, Нина Кузьмянкодек ўқитувчилар илк бора менга қатъият, сабр-тоқат хислатларини юқтиришди. Уларнинг таълим бериш услуби тез орада шу қайсар болакайни мўмин-қобил, илмга чанқоқ ўқувчига айлантиргани ҳамон ёдимда. Кино санъати сирларидан воқиф бўлишимда эса Ўзбекистон халқ артисти, — марҳума Ольга Чернова ҳамда Владимир Меньшов, Владимир Грамматиков, Никита Михальков сингари санъат усталарининг хизматлари катта. Уларни эришган барча муваффақиятларимнинг асосчилари деб биламан. Устозларим берган меҳр сабаб орзу-ҳавасларим мақсадга айланди, улар кўрсатган йўл-йўриқ туфайли юрагимдаги кино санъатига бўлган қизиқиш ўрнини касб олдидаги масъулият ҳисси эгаллади.

Бу устозларим номини бир-биридан айро ҳолда тилга ололмайман. Уларнинг ҳар бири менинг ҳаётимда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ва мураббийлар кунида мукаррам устозларимнинг барчаларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайман. Мен фақат сизларнинг ўгит ва тарбиянгиз асосида камол топдим. Бунинг учун Сиз азизларга ҳар қанча ташаккур билдирсам, оз!

**Зулфиқор МУСОҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.**

*Мен мактабда саводимни чиқарган биринчи ўқитувчим Маъсуда опани ҳам, илк ҳикоямни матбуотда эълон қилган Назармат ака ва Нўъмонжон акани ҳам, университетда ижод сирларини ўргатган Озод Шарафутдиновни ҳам, дастлабки асарларимга оқ йўл тилаган Абдулла Қаҳҳорни ҳам бирдек эҳтиром билан ҳурмат қиламан. Устозларим орасида Саид Аҳмад ака мен учун, айниқса, қадрлидир. Негаки, шу пайтгача нимаики ёзган бўлсам, деярли барчасини биринчи бўлиб Саид Аҳмад ака ўқиганлар, ютуғимни ҳам, камчиликларимни ҳам рўй-рост айтганлар. Энг муҳими, керак пайтда кўплаб бошқа шогирдлари қатори менинг бошимни ҳам силаганлар, ҳимоя қилганлар.*

*Устозимнинг бошидан кўп савдолар ўтган. Қай бирини айтай?.. Туҳматларга қолиш, ўн бир ойлаб "одиночка"да ўтириш, яқин одамларини йўқотиш азоби осон дард эмас...*

*Яратганга шукроналар бўлсин, Саид Аҳмад ака сўнгги йилларда авваллари чеккан азобларининг роҳатини ҳам кўрди. Ўзининг ибораси билан айтганда, бир вақтлар халқ душмани деган тамға ёпиштирилган адиб Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Бу ютуқлар бошқалар сингари биз — шогирдларини ҳам қувонтиради, янги-янги ижодий парвозларга руҳлантиради.*

*Бугун мен севимли адибимизга шундай дегим келди: қадрли УСТОЗ, миллионлаб китобхонлар, кўплаб шогирдларингиз бахтига умрингиз узоқ бўлсин, ҳамиша соғ-саломат бўлинг!*

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

## Германиядан соғинчли салом

**Ҳурматли Александр Грушевский! Мен Сиздан Тошкентдаги 15-болалар ва ўсмирлар мактабида шахмат сирларини ўргангандим. Ўшанда етти ёшда эдим. Сизнинг ўгитларингиз, сабоқларингизни олиб кам бўлмадим. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлишимда Сизнинг хизматларингиз катта. Эслайсизми, ўша дамларда менга қўнғироқ қилиб, биринчилардан бўлиб табриклагандингиз. Ҳозир Германиянинг Зоменген шаҳрида маҳоратимни ошираяпман. Яқин кунларда йирик турнирда қатнашмоқчиман. Устозлар ва мураббийлар куни муносабати билан, узоқдан бўлса ҳам, соғинчли саломимни йўлламоқдаман. Сизга дунёдаги энг яхши тилакларни билдираман.**

**Рустам ҚОСИМЖОНОВ,**
**шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони.**

Яратган томонидан бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, инсониятга онгу тафаккур, ақл-идрок берилган. Бу неъматнинг нақадар улуғ эканлигини ҳар доим англаб бормоғимизда устозларимизнинг, хусусан, қўлимизга қалам тутқазиб ёзишни ўргатган, ҳарф танитган ўқитувчиларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Яна шуниси аниқки, агар бир ниҳолни ариқ ёнига қадасангиз-у, унга вақтида меҳр билан қарамасангиз, экканингиз кўкармайди. Мен меҳрибон устозларни ана шундай минглаб ниҳолларга бош-қош бўлувчи боғбонга ўхшатаман.

Менинг ҳам бошқалар қатори ардоқлайдиган ўқитувчиларим бор. Айниқса, Сафарбой Солаев ҳамда Сафарбой Султонов каби азиз ўқитувчиларимни ўйласам, кўзимга қувонч ёшлари келади. Менинг бугунги озми-кўпми муваффақиятларимда, мустақиллигимизнинг 15 йиллик шодиёнаси арафасида Президентимиз Фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга мушарраф бўлишимда ана шу устозларимнинг катта ҳиссаси бор.

Ҳеч бир юртда, ҳеч бир даврда ўқитувчининг қадр-қиммати, эътибори бугунгидек эъзозланмаган. Беадад шукрки, ҳозир Президентимиз устозларга ниҳоятда ғамхўрлик кўрсатаяптилар. Фарзандларимиз кўркам кошоналарда, мактаб деб аталмиш чиройли биноларда таҳсил олишаяпти. Улар истиқлолнинг чин фарзандлари бўлиб етишишлари аниқ!

Юқорида тилга олган устозларимнинг бирлари 66 ёшда, яна бирлари 86 ёшда. Уларнинг доимий дуолари эса шундай: "Юрт тинч, фарзандлар комил инсон, мустақиллигимиз абадий, Йўлбошчимиз саломат бўлсин!"

Устозларимнинг эзгу дуоларига мен ҳам қўшиламан.

**Гулмат ҲАЙТМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

Бир шарқшунос сифатида мен ҳаётимда кўп устозлардан таълим олдим. Бу улуғ зотлар сирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев алоҳида ўрин эгаллайди. Ярим асрдан ошибдики, у киши Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу йиллар давомида буюк аждодларимиз ақл-заковати ва салоҳияти билан яратилган қанчадан-қанча, эҳтимол минглаб «хати ўчиб кетай» деган кўҳна қўлёзма манбалар устознинг ўткир ва синчков нигоҳидан ўтиб, «тилга кирди».

Бироқ А.Ўринбоевнинг илму ирфон йўлидаги чексиз фидойилиги, машаққатли меҳнатлари баъзан қувонч ўрнига ташвиш ҳам келтирганлигини кўпчилик билмаслиги мумкин. Гап шундаки, бундан қарийб ўттиз беш йиллар илгари айрим фидойи олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистонда Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти, санъатини ўрганиш борасида баъзи ижобий ишларга қўл урилди. Юқори ташкилотлар ва Республика Фанлар академиясининг қарори билан Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли асарини танқидий нашрга тайёрлаш А.Ўринбоевга топширилди. Домланинг бир неча йиллик машаққатли меҳнатлари туфайли 1972 йилда бу асарнинг форс тилидаги факсимил нашри чоп этилди. Бироқ кўп ўтмай А.Ўринбоев Темурни улуғлашда айбланиб, қанча дашномларга қолди, сотувга чиқарилган «Зафарнома»нинг кўп нусхалари дўконлардан йиғиб олинди.

Мустақиллигимиз шарофати билан А.Ўринбоевнинг илмий-ижодий фаолияти янада кенг кўлам олиб, у яратган асарлар дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилинди. Хусусан, устоз томонидан русча таржимаси тайёрланган Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаси хожа Аҳрор Валийнинг улуғ замондошларига йўллаган мактублари америкалик олима, Нью-Жерси университетининг профессори Жо Энн Гросс билан ҳамкорликда инглиз тилига ўгирилиб, «Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг хатлари ва унинг муридлари» номи билан 2002 йилда Голландиянинг бутун дунёга машҳур «Брилл» нашриётида чоп этилди...

Мен шундай улуғ устознинг шогирди эканимдан ҳамиша ғурурланиб юраман. Бу кун эса, қўлим кўксимда, таъзимдаман.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси мудири, тарих фанлари доктори.**

Мен ҳаётда яхши кишилардан ибрат олишга, нимадир ўрганишга ҳаракат қиламан. Уларнинг ҳаммасини устозим дейишим мумкин. Лекин бошланғич синф ўқитувчимиз Суйбиниса Ҳайдаровани алоҳида ҳурмат қиламан. Денов туманидаги 5-ўрта мактабда у киши менга ўқишни, чиройли ёзишни ўргатганлар. Энг асосийси, ҳаётда тўғри йўл кўрсатдилар. Ўқувчиларига ўз қўли билан, ҳеч бўлмаса, ўгит ва маслаҳатлари билан ёрдам берардилар. Мактабни битирганимиздан буён бир неча йил ўтган бўлса ҳам, ўқитувчимиз бизни ҳамон сўраб, қайғуриб, лозим пайтда тергаб турадилар.

Ишонаманки, шу кунларда менинг синфдошларим, опанинг бошқа ўқувчилари у кишига энг самимий тилакларини билдирадилар. Чунки Суйбиниса опани ҳаммамиз яхши кўрамиз.

**Лола АҲМЕДОВА,**
**"Ниҳол" мукофоти совриндори.**

Азиз устозимиз Ғанижон Қодиров!

Ушбу фарахбахш онларда, яъни — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Сизга шогирдлик каломини йўллаш менга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ёдингизда бўлса, она тили ва адабиёт дарсларингизда улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак осон эмас, онинг ҳақин юз ганж ила" деб аталган ғазалини, шунингдек, ўқитувчилик энг эзгу касблардан бири эканлигини бот-бот такрорлар эдингиз. Пурмаъно сўзларингиз, доно ўгитларингизни ҳаётий тажрибамизда қўллаб, халқона қилиб айтганда, кам бўлмадик.

Не бахтким, Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодга таълим-тарбия берувчи инсонлар эъзозда, эл ҳурматида. Албатта, сиздай зотлар ҳам бундай улуғ шарафга ҳамиша лойиқ.

Яна бир бор Сизни умумхалқ байрами билан самимий қутлаб шогирдингиз:

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Юнусобод туманидаги 273-мактаб директори Мавлуда ИСМАТОВА.**

***Устозлар ва мураббийлар кунини йил бошиданоқ интиқлик билан кутаман. Чунки ўқувчилик, талабалик чоғларимда менга таълим берган қалби дарё устозларимни нафақат эслашга, балки улар билан дийдорлашишга имкон қидираман. Байрам куни эса баҳоли қудрат уларни қутлайман, дуоларини оламан.***

***Айни чоғда, театр ва кино санъатида ўз ўрнимни топишимда беминнат маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедовни ушбу байрам билан чин қалбимдан табриклайман. Санъатимиз дарғаларидан бири, ёшларнинг севимли мураббийи — азиз устозим доимо соғ бўлсинлар. Биздек шогирдларни тарбиялашдан асло чарчамасинлар.***



**Фатхулла МАЪСУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.**

*Ассалому алайкум қадрли Нўъмон Насимович!*

*Бу тонг қўлимга қалам олдим. Сизга мактуб ёзгим келди. Устоз бўлиб эл назарига тушмоқ, мураббий бўлиб шараф топмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, албатта. Назаримда, бугун мен каби минглаб шогирдлар дилида ташаккур тонги отмоқда.*

*Ҳурматли устоз! Сиз отахон журналистсиз. Кўп йиллар "Тошкент ҳақиқати" газетасига раҳбарлик қилдингиз. Эндиликда Тошкент вилояти нуронийларининг сардори, вилоят "Нуроний" жамғармасининг раисисиз. Ёшингиз 75 ни қоралаб бораётганига қарамай, бир гуруҳ отахонлар билан туманларда юриб, пахтакорларга ўзбекнинг "Хорманглар!" деган хуш каломини айтиб юрибсиз.*

*Сиз дуога кўп очганингизда ҳамиша "Илоҳим, азизу мукаррам бўлинглар!" дея ният қиласиз. Ниятингиз барчамизга, шу жумладан, ўзингизга ҳам ёр бўлгай. Юрти, эли тинч одамларга байрамлар, яхши кунлар ярашади.*

**Гул гўзал минг турфа ранги бор учун,**
**Тун нурли ортида тонги бор учун,**
**Вале одам азиз онги бор учун,**
**Илоҳо, азизу мукаррам бўлинг!**

**Бир бора келгаймиз дунёи дунга,**
**Тунни омон тутинг қуёшли кунга,**
**Оллоҳ ҳамроҳ қилсин бағри бутунга,**
**Илоҳо, азизу мукаррам бўлинг!**

**Бахт боғда кўкармас оқил боғбонсиз,**
**Тахт кўкка бўйламас доно сарбонсиз,**
**Ҳар кун шукрин қилинг тинчсиз, омонсиз,**
**Илоҳо, азизу мукаррам бўлинг!**

**Офтоб озоридан осмон ўкинмас,**
**Жилға жамолига тошлар тўкилмас,**
**Дилда имон устун, қаддинг букилмас,**
**Илоҳо, азизу мукаррам бўлинг!**

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**



*Мен имло ўргатган, тарбия берган, юрагимга яхшилик ҳамда эзгулик фазилатларини жо этган биринчи муаллимим — Чуст туманлик Омонали Мадомоновни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан. Устозим бизга нафақат илм бердилар, балки ҳаётнинг синовларидан дадил ўтишни, шу муқаддас юртни севишни ўргатдилар. Тилимиз, адабиётимиз, тарихимиз, буюк аждодларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиб вояга етишга ундадилар. Бугун кексалик гаштини суриб юрган бўлсалар-да, ҳамиша қувноқ, камтарин бу инсон ёшлардан ҳеч қачон ёрдамини аямайдилар.*

*Ушбу фурсатдан фойдаланиб, устозимни қутлуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Ҳамиша соғ-саломат бўлиб юришдек бахт тарк этмаслигини тилайман.*

**Комилжон КАРИМЖОНОВ,**
**"Ўзбекистон" телерадиоканали шарҳловчиси,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**



«Халқ сўзи» газетаси ижодий жамоаси кўпмингсонли обуначилар номидан юртимиздаги азиз ва меҳрибон устозларни, мураббийларни умумхалқ байрами билан чин қалбдан муборакбод этади. Сизларнинг ҳаётингиз ёшларимиз учун ҳамиша ибрат мактабидир. Эзгу дуоларингиз ижобат топаверсин!



## Умрбод қамоқ жазоси берилди

Исроил суди мамлакат фуқароси Аппер Вайсганни 4 маротаба умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва миллион шекель (салкам 200 минг доллар) жаримага маҳкум қилди. У 2005 йилда Ғазо секторидан исроилликларни олиб чиқиш жараёнига норозилик сифатида 4 нафар араб ишчисини отиб ташлаган эди. Haaretz газетасининг ёзишича, Вайсганга қўшимча равишда яна 12 йил қамоқ жазоси ҳам берилган.



## Нега бундай бўлди?

Бир неча кун аввал Бишкек аэропортидан учаётган «Қирғизистон» авиакомпаниясига қарашли Ту-154 йўловчи самолёти ўша пайтда аэропортга қўнаётган Американинг КС-135 ҳарбий самолёти билан тўқнашиб кетди. Натижада йўловчи самолётининг қанотига жиддий шикаст етди. Учувчининг маҳорати туфайлигина фожиа юз бермади. РИА «Новости» хабарида айтилишича, кеча Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги мамлакатдаги АҚШ элчихонасига мурожаат қилиб, тўқнашув юзасидан тушунтириш берилишини сўраган.

Ушбу лайнер Қирғизистондаги учишга яроқли Ту-154 русумидаги ягона самолёт бўлиб, ундан мамлакат президенти Курманбек Бакиев ҳам фойдаланар эди.

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Ироқда навбатдаги тўқнашувлар



Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида юз берган отишмалар чоғида америкалик ҳарбий ҳалок бўлди. Бундан ташқари, Ироқнинг Анбар музофотида ҳам икки ҳарбий ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатилди. AFP хабарига қараганда, улар Евфрат дарёси ёқасида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган денгиз пиёда қўшинларига тегишли эди. Ироқда АҚШ қўшинлари киритилганидан буён ўтган давр ичида жами 2706 нафар ҳарбий ҳалок бўлди, дейилади хабарда.

## Жосусликда айбланаяпти



Грузияда Россияга нисбатан навбатдаги айбловлар қўйилди. Чоршанба куни кечкурун грузин хавфсизлик кучлари Россия армиясининг 4 нафар офицери – подполковниклар Александр Саав, Дмитрий Казанцев, Александр Загородний ва майор Александр Барановларни ҳибсга олиб, уларни жосусликда айблади. Россиянинг Кавказорти қўшинлари гуруҳи идораси қуршаб олинди.

Эртасига эса РФ мудофаа вазири Сергей Ивановнинг баёнотидан яна 9 нафар ҳарбий ҳибсга олингани маълум бўлди. Вазирнинг сўзларига кўра, Грузия томони атайин вазиятни чигаллаштиришга ҳаракат қилмоқда.

## ЕИ кенгаймоқда

Европа комиссияси раиси Жозе Мануэль Баррозу Болгария ва Румыния 2007 йил 1 январь куни Европа Иттифоқига қўшилиш ҳуқуқига эга бўлишини маълум қилди. «Болгария ва Румыния ислоҳотлар йўлида улкан натижаларга эришди. Бу давлатлар сўнгги йилларда жуда ўзгарди», деди Баррозу. Шунга қарамай, комиссия раиси бу икки давлат коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга алоҳида эътибор қаратиши ҳамда ЕИ бюджетидан олинадиган маблағлар тақсимотини очиқ-ойдин амалга ошириши лозимлигини таъкидлади. Agency France Press хабарига кўра, дастлабки уч йил давомида Европа Иттифоқида бу икки мамлакатга айрим чекловлар қўйилиши мумкин. Болгария ва Румыния иттифоққа қўшилгач, ЕИнинг кенгайиш жараёни тўхтатилади.

## Мансабдор озодликка чиқди



Исроил ҳарбий суди Фаластин бош вазири ўринбосари Носир ал-Шаирни озодликка чиқариш ҳақида қарор қабул қилди. Reuters хабарида айтилишича, суд уни ҳибсда сақлаш учун етарлича асос тополмади. Эслатиб ўтамиз, ал-Шаир ва ХАМАС ҳаракатининг бошқа бир неча раҳбарлари террорчилик фаолиятига алоқадорликда гумон қилиниб ушланган ва бир ойга яқин вақт давомида ушлаб турилганди. Айни пайтда ХАМАСнинг 31 депутати ҳамон ҳибсда сақланмоқда. Исроил хавфсизлик кучлари 25 июнь куни жангарилар капрал Гилад Шалитни ўғирлаб кетишганидан сўнг шундай йўл тутишган эди.


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ**

**2007 йилда янги қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирланадиган умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари бўйича талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш бўйича малака олди танловини эълон қилади.**

**I. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ҚУРИЛИШИ**
Андижон тумани Кунжи қишлоғида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Балиқчи тумани Хожаобод қишлоғида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Булоқбоши тумани Учтепа қишлоғида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Қўрғонтепа тумани марказида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Пахтаобод тумани марказида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Асака тумани Мустаҳкам қишлоғида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Андижон тумани Бутақора қишлоғида 720 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

**II. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ**
Хўжаобод тумани марказида 720/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.
Асака шаҳрида 600 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи.

**III. ЯНГИ МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ**
Булоқбоши туманида 27-сонли мактаб.
Хўжаобод туманида 3-сонли мактаб.

**IV. МАКТАБЛАР КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ**
Андижон шаҳрида 20, 47-сонли мактаблар.
Асака шаҳрида 6-сонли мактаб.
Андижон туманида 12, 23-сонли мактаблар.
Асака туманида 2, 16-сонли мактаблар.
Балиқчи туманида 17, 18, 45-сонли мактаблар.
Булоқбоши туманида 12-сонли мактаб.
Бўз туманида 5-сонли мактаб.
Жалақудуқ туманида 23, 33-сонли мактаблар.
Избоскан туманида 7, 25-сонли мактаблар.
Марҳамат туманида 5, 33-сонли мактаблар.
Олтинкўл туманида 4, 35-сонли мактаблар.
Пахтаобод туманида 16-сонли мактаб.
Хўжаобод туманида 19-сонли мактаб.
Шаҳрихон туманида 9, 18-сонли мактаблар.
Қўрғонтепа туманида 25, 32-сонли мактаблар.

**V. Капитал таъмирлаш**
Андижон шаҳрида 17-сонли мактаб-интернат, 3, 9, 17, 27, 36, 43, 45, 50-сонли мактаблар.
Асака шаҳрида 7-сонли мактаб.
Қорасув шаҳрида 6-сонли мактаб.
Хонобод шаҳрида 3-сонли мактаб.
Андижон туманида 7-сонли мактаб-интернат, 1, 2, 6, 13, 14, 16-сонли мактаблар.
Асака туманида 3, 5, 19, 26, 29, 42, 45-сонли мактаблар.
Балиқчи туманида 10, 11, 12, 13, 23, 32, 52-сонли мактаблар.
Булоқбоши туманида 11-сонли мактаб-интернат, 4, 8, 26-сонли мактаблар.
Бўз туманида 55-сонли мактаб-интернат, 3, 12, 16-сонли мактаблар.
Жалақудуқ туманида 1, 6, 11, 14, 20, 43, 47-сонли мактаблар.
Избоскан туманида 5, 15, 18, 27, 40, 44-сонли мактаблар.
Улуғнор туманида 48-сонли мактаб-интернат, 1, 13, 14, 20-сонли мактаблар.
Марҳамат туманида 7, 9, 20, 27, 32-сонли мактаблар.
Олтинкўл туманида 3, 13, 18, 20, 26, 43, 49, 52-сонли мактаблар.
Пахтаобод туманида 13, 17, 18, 24, 29, 32, 41-сонли мактаблар.
Хўжаобод туманида 7, 12, 14, 21, 27-сонли мактаблар.
Шаҳрихон туманида 1, 5, 7, 12, 24, 31, 33, 35, 50, 62-сонли мактаблар.
Қўрғонтепа туманида 18-сонли мактаб-интернат, 9, 12, 28, 36, 41, 47, 48-сонли мактаблар.

**Молиялаштириш буюртмачи** — Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Малака олди танловида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига; шартнома тузиш юзасидан фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга; танлов савдоларига қўйилган ўхшаш иншоотларда бажарган иш тажрибасига; ўтган даврда ўз кучи билан бажарган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотномага; охирги йиллар даврида 500 млн. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари шарт (янги қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган умумтаълим мактаблари бўйича танлов савдоларида қатнашмоқчи бўлганлар учун); охирги йиллар даврида 1 000 млрд. сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари шарт (касб-ҳунар коллежлари бўйича танлов савдоларида қатнашмоқчи бўлганлар учун).

Малака олди танловига қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, ҳуқуқий шакли ёки молиявий жиҳатдан бир-бирига бевосита боғлиқ бўлган корхоналар ва фирмалар қатнашишларига йўл қўйилмайди.

Малака олди танловида қатнашиш ва ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй.**
**Тел./факс: 224-72-79.**

Малака олди танлови таклифлари юқоридаги манзилда қабул қилинади.



Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!



IPOTEKA BANK



ПУЛИНГИЗ ҲАРАКАТДА БЎЛСИН

| | | |
|---|---|---|
| **«Мураббий»** омонати | йиллик **24** фоиз | 3 ойлик муддатга қабул қилинади |
| **«Мустақиллик туҳфаси»** омонати | йиллик **24** фоиз | 6 ойлик муддатга (фоизларни ойма-ой олиш мумкин) |
| **«Коммунал»** омонати | йиллик **24** фоиз | 12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади (фоизлар олдиндан ҳисобланиб, коммунал тўловлар учун юборилади) |
| **«Истиқбол»** омонати | йиллик **22** фоиз | 2 ойлик муддатга |
| **«Жозиба»** омонати | йиллик **21** фоиз | 3 ойлик муддатга |
| **«Адолат»** омонати | йиллик **20** фоиз | 6 ойлик муддатга (фоизларни ойма-ой олиш мумкин) |
| **«Антиқа»** омонати *(фоизлар капитализацияланади)* | йиллик **22** фоиз<br>йиллик **21** фоиз<br>йиллик **20** фоиз | 1 ойдан 3 ойгача<br>3 ойдан 6 ойгача<br>6 ойдан 12 ойгача |
| **«Меҳрибонлик»** омонати *(фоизлар капитализацияланади)* | йиллик **22** фоиз | 3 ойлик муддатга |
| **«Эзгулик»** омонати *(фоизлар капитализацияланади)* | йиллик **21** фоиз | 4 ойлик муддатга |
| **«Хумо»** омонати *(фоизлар капитализацияланади)* | йиллик **20** фоиз | 3 ойлик муддатга |

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18
(8-371) 133-29-57
info@ipotekabank.uz

*Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган*



МТС



«МТС-SUPER» ТАРИФ РЕЖАСИ!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА БЕПУЛ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ АЛОҚА $0.02 (1 дақиқа учун)

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

## Академик лицейлар қуриш республика инжиниринг компанияси

**қуйидаги объектларга танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:**

1. **Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги СамТИ қошидаги 720/200 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши.**
2. **Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги СамДАҚИ қошидаги 450/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши.**

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри, Саидова кўчаси, 76-уй.

**Телефон/факс:** (8-371) 393-11-84.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Академик лицейлар қурилиши бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун 2004-2006 йиллар давомида ҳар йили камида 1000 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажарган бўлиши керак.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

***Олдиндан малакасини аниқлаш бўйича бир тўплам ҳужжатлар қиймати — 30 000 (ўттиз минг) сўм.***

***Танловдан ўтган ташкилотлар учун 2-пакет ҳужжатлари бир тўплами қиймати — 30 000 (ўттиз минг) сўм.***

**Оферталар савдо ташкилотчиси** — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона. Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

3332R/1815

# Жисмоний баркамоллик — гўзаллик рамзи

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари талаба қизлари ўртасида спорт фестивали ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тадбир Тошкент Кимё-технология институти талаба қизлари ўртасида бўлиб ўтди. Улар волейбол, баскетбол, гандбол, теннис ва шахмат-шашка мусобақаларида қатнашишди. Ғолиблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитасининг дипломлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, Тошкент темир йўл муҳандислиги институтида ҳам «Талаба қизлар спорт фестивали» очилди. Ушбу тадбир доирасида «Ўзкўргазмасавдо»да «Аёллар интернет фестивали» якуни ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мусобақалар бошқа олий ўқув юртларида давом этмоқда.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!*

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2007 йилда қурилиши мўлжалланаётган қуйидаги объектлар учун талабгорларнинг малакаларини олдиндан аниқлаш бўйича ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**I. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ**

**Мактаб биноларини капитал таъмирлаш**

1. Гулистон шаҳрида 940 ўринли 8-сонли мактаб.
2. Гулистон шаҳрида 940 ўринли 6-сонли мактаб.
3. Ховос тумани «Соҳибкор» маҳалласида 624 ўринли 7-сонли мактаб.
4. Ховос тумани «Туркистон» маҳалласида 624 ўринли 25-сонли мактаб.
5. Боёвут тумани «Тараққиёт» ш/хда 420 ўринли 8-сонли мактаб.
6. Боёвут тумани Боёвут қўрғонида 520 ўринли 15-сонли мактаб.
7. Боёвут тумани «Ғаллакор» ш/хда 420 ўринли 18-сонли мактаб.
8. Боёвут тумани Алишер Навоий ш/хда 624 ўринли 3-сонли мактаб.
9. Боёвут туманида 624 ўринли 40-сонли мактаб.
10. Сардоба тумани Янгиобод қишлоғида 624 ўринли 18-сонли мактаб.
11. Сардоба тумани «Бўстон» ш/хда 924 ўринли 4-сонли мактаб.
12. Оқолтин тумани Сардоба қўрғонида 624 ўринли 3-сонли мактаб.
13. Оқолтин тумани Сардоба қўрғонида 924 ўринли 1-сонли мактаб.
14. Сайҳунобод тумани «Ўзбекистон» ш/хда 417 ўринли 20-сонли мактаб.
15. Гулистон тумани «Дўстлик» ДФХУда 422 ўринли 4-сонли мактаб.
16. Гулистон тумани «Боёвут» ДФХУда 624 ўринли 6-сонли мактаб.
17. Сирдарё тумани Сирдарё шаҳарчасида 710 ўринли 5-сонли мактаб.
18. Мирзаобод тумани Беруний ш/хда 624 ўринли 7-сонли мактаб.
19. Янгиер шаҳрида 624 ўринли 9-сонли мактаб.
20. Ширин шаҳрида 820 ўринли 3-сонли мактаб.

**Манзил:** Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
**Телефон:** (8-367-2) 27-63-86.
Иншоотларни қуриш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

**II. БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**

**Спорт иншоотлари қурилиши:**

а) янги қурилиш: Гулистон шаҳрида IV тип спорт иншооти қурилиши;
б) реконструкция: Гулистон шаҳрида 20 минг ўринли стадионни реконструкция қилиш;
в) мактаблар учун спорт заллари қурилиши:
1. Ховос туманидаги 16-сонли мактаб учун (12x24 м.) спорт зали.
2. Сирдарё туманидаги 43-сонли мактаб учун (12x24 м.) спорт зали.
3. Боёвут туманидаги 27-сонли мактаб учун (12x24 м.) спорт зали.
4. Сайҳунобод туманидаги 13-сонли мактаб учун (12x24 м.) спорт зали.
5. Сардоба туманидаги 15-сонли мактаб учун (12x24 м.) спорт зали.
6. Мирзаобод туманидаги 26-сонли мактаб учун (12x24 м.) спорт зали.

**Манзил:** Гулистон шаҳри, П.Маҳмудов кўчаси, 54-уй.
**Телефон:** 25-28-65.

Иншоотлар жамғарма фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

2007 йил манзил дастурига киритилган иншоотларни қуриш учун танлов комиссияси томонидан талабгорларга малакаларини олдиндан аниқлаш бўйича қуйидаги шартлар қўйилади: ишлаб чиқариш базаси мавжудлиги, етарли меҳнат ва материаллар ресурсларига эгалиги, тажрибали мутахассисларнинг мавжудлиги, ўхшаш объектларда қурилиш тажрибасининг борлиги, шартнома тузиш муомаласи, ҳуқуқий лаёқат ваколатларига эга бўлишлари шарт.

Банкротлик ҳолатига тушиб қолган, тугатилиши ёки бўлинувчи ёки бири иккинчисига қарам бўлган ташкилотлар (молиявий аҳволи бўйича ҳам) танловга қўйилмайди.

Танлов савдоси ҳужжатларини тайёрлаш ва комиссияга тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатлари таркибидаги йўриқномада кўрсатилган.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов ҳужжатларининг 1-пакети эълон чоп этилгач, 15 кун давомида иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача танлов савдоси ташкилотчиси — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан олинади.

**Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.**
**Телефон: (8-367-2) 27-64-84.**

***Талабгорнинг 1-пакет таклифлари (ҳужжатлари) очилиши жараёни эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кун ўтгач, соат 10.00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.***

3327R/1901

## Диққат, янгилик!

*Давлат божи азалдан мамлакат ғазнасини бойитиб боришнинг асосий омили бўлиб келган. Шу боисдан халқимиз онгу тафаккурида бож тушунчаси ватан қудратини ошириш ниятига ҳамоҳангдир.*

# Нотариал ҳаракатдаги қулайликлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги "Нотариал ишларини бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 109-сонли қарорида аҳолига нотариат хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, харажатларни камайтириш, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш, турар жой бозорини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор енгилликлар яратилганлиги айни муддаодир.

Мисол учун, қарорнинг «б» бандида кўрсатилишича, ҳовли, уй-жой ва квартиралар учун олди-сотди шартномалари энг яқин қариндошларга, яъни ота-она, турмуш ўртоғи ҳамда фарзандларга расмийлаштирганда эски ставкада, бинонинг инвентаризация баҳосидан 1 фоиз миқдорида бож олинган бўлса, энди бу таомил учун бинонинг яшаш жойи ҳар бир квадрат метри учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоиз миқдорида бож ундирилади.

Бошқа юридик жисмоний шахслар учун илгари бинонинг инвентаризация баҳосидан 10 фоиз миқдорида бож олинган бўлса, энди эса бинонинг яшаш жойи ҳар бир квадрат метри учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки фоизи миқдорида бож олинади.

Айтайлик, ҳозирги кунда биноларнинг инвентаризация баҳоси камида икки-уч миллион сўм ва ундан юқори бўлиб, улардан икки-уч юз минг сўм давлат божи ундирилган бўлса, эндиликда бир бинонинг яшаш майдони 100 квадратга тенг бўлса, 21600 сўм, яъни қарийб ўн баробар миқдорида кам бож тўланади.

Автотранспорт воситалари олди-сотди шартномалари бўйича аввалги ставкаларда уч йилгача бўлган маҳаллий автомашиналар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизини от кучига кўпайтирилган ҳолда бож ундирилган бўлса, ҳозирги ставка бўйича 10 фоизга, яъни аввалги тўловнинг тенг ярми миқдорида бож тўлаш кўрсатилган.

Бир қарашда ушбу енгилликдан сўнг давлатга тушаётган маблағ гўё камаяётгандек туйилса-да, аслида ушбу енгилликлар туфайли шартномалар сони, демак, бож тўловлари баракаси ошади. Айни пайтда халқимиз фаровонлиги яхшиланади.

**Эркин УСМОНОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ДСИ Қўшимча давлат даромадлари тушумини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи.**

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ



Сизни Ўқитувчилар ва мураббийларимизнинг байрами билан муборакбод этади!

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки
кичик бизнес билан шуғулланаётганларга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача:

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача;
- юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача;
- фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратади.

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматларини кўрсатади.

Шунингдек, бутун республикамиз ҳудудларидаги филиаллар томонидан аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилади.




«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

«Микрокредитбанк» АТБ тизимида жисмоний шахслар учун миллий валютадаги омонат турлари

| № | Омонат (депозит) номи | Муддати | Йиллик фоиз ставкаси | Бошланғич бадал | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Талаб қилиб олингунча | | Чекланмаган | Чекланмаган | Маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади. |
| 2. | «Орзу» | 3 ой | 22% | 50 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| 3. | «Тадбиркор» | 6 ой | 23% | 25 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар олдиндан тўланади. |
| 4. | «Нуроний» | 1 йил | 20% | Чекланмаган | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади. |
| 5. | «Сиҳат-саломатлик» | 1 йил | 22% | 1 000 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар ҳар чоракда тўланади. |
| 6. | «Тежамкор коммуналчи» | 2 йил | 26% | Чекланмаган | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда фақатгина коммунал тўловларга ўтказиб берилади. |
| 7. | «Истеъмол» жамғармаси | | банк маржаси 10% | 150 000 сўм | Мазкур жамғармага маблағ қўйган шахсга 1,5 ойдан сўнг қўйилган маблағининг уч бараварида «Истеъмол» кредити ажратилади. «Истеъмол» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизлар «Истеъмол кредит»га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади. |
| 8. | «Она юрт» | 3 ой | 22% | 150 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. |
| 9. | «Шодиёна» | 3 ой | 24% | 100 000 сўм | Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. |

3331R/1787

